



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ

*Худойназарова Моҳинур Нуриддин қизи  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси 3 курс 316 гурӯҳкурсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъекти сифатида унинг бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги масалаларини таҳлил қилинган. Бу мақолада ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассалар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилган ва асослантирилган таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси , ҳамкорлик , нодавлатнотижорат ташкилотлари,

**Abstract:** This article analyzes the issues of cooperation between the bodies of the Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan as a subject of offence prevention and the other entities. This article focuses on the issues of cooperation of law enforcement agencies with other entities and institutions directly involved into the sphere. Also, some justified recommendations, related to the topic are provided in the paper.

**Key words:** Offence prevention, cooperation,

**Аннотация:** В статье анализируются вопросы взаимодействия органов внутренних дел Республики Узбекистан как субъекта профилактики правонарушений с другими субъектами. В статье акцентирует внимание на вопросах взаимодействия правоохранительных органов с другими субъектами и учреждениями, непосредственно вовлеченными в сферу. Также в статье даны обоснованные рекомендации по теме.

**Ключевые Слова:** Предупреждение правонарушений, соотрудничество.

Маълумки, жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш



идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли субъектлардан бири бўлиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аниқроқ айтганда, нодавлат нотижорат билан ҳамкорлик қиласи.

Профилактика хизматлари қуйидаги нодавлат нотижорат билан ҳамкорлик қилмоқда:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари. Унинг таркиби: раис; диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи; котиб.

1. Фуқаролар йигини комиссиялари:

– Фуқаролар йигини тафтиш комиссияси

– Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси

– Ижтимоий қуллаб-куватлаш ва жамоатчилик назорати буйича комиссия

– Фуқаролар йигинларининг хотин-қизлар буйича ишлаш комиссияси

– Фуқаролар йигинларининг экология ва табиатни муҳофаза килиш, ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш буйича комиссияси

2. Сиёсий партиялар:

– Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси;

– Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;

– Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

– Ўзбекистон Экологик партияси.

3. Жамоат бирлашмалари:

– ёшлар ташкилотлари;

– фаҳрийлар ташкилотлари;

– хотин-қизлар ташкилотлари;

– касаба уюшмалари;

– олимлар жамияти;



– ижодий уюшмалар<sup>1</sup>.

4. Жамоат ва бошка нодавлат нотижорат ташкилотлари:

- “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви;
- “Ёшлар иттифоқи”;
- диний ташкилотлар.

Алоҳида таъкидлаш керакки, профилактика хизматлари кенг жамоатчилик, меҳнат жамоалари ва бошка фуқаролик жамияти институтларининг фаол ёрдамига таянган ҳолда ички ишлар органларининг нодавлат нотижорат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини турли хил жиноий тажовузлардан қатъий туриб ҳимоя қилиш борасидаги қонун талабларини бажаришга ваколатли масъул субъект ҳисобланади. Шунинг учун ҳам профилактика хизматлари нодавлат нотижорат билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишда, биринчидан, қонунчиликка қатъий риоя қилишлари, иккинчидан, юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлишлари, учинчидан, аҳолининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини инобатга олишлари, тўртинчидан, жамоатчилик ёрдамига доимий таянишлари, бешинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ариза ва шикоятларига ҳамда хабарларига тезлик билан эътибор беришлари ва қонуний чора-тадбирларни кўришлари, олтинчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг қасб маданияти қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хизматда ва оиласда бенуқсон хулқ-атворга эга бўлишлари зарур. Профилактика хизматларининг нодавлат нотижорат билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, нафақат жамиятда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қиласди.

Профилактика (катта) инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини қонунда берилган ваколатлар доирасида нодавлат нотижорат имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, ғайрииҷтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни



аниқлаш, профилактик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг хулқ-атворини тузатиш, фуқароларни ҳуқуқбузарликларнинг тури, содир этиш усули ва воситалари, ижтимоий хавфи, салбий оқибатлари ҳақида огоҳликка чақириш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этган ва унга мойил шахсларнинг ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишида кўмаклашадилар. Мазкур фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида профилактика (катта) инспекторларининг бугунги кунда кенг жамоатчилик, шу жумладан, нодавлат нотижорат билан ҳамкорлиги муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаётда юз берётган ўзгаришлар профилактика хизматларининг нодавлат нотижорат билан ўзаро ҳамкорлигининг янги шакл ва усулларини излаб топишни тақозо этмоқда. Бироқ ўтмиш тажрибасини ҳам унутмаслик лозим, чунки тўпланган қўпгина тажрибалар ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур.